O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI
INV.№


# Халқ сўзи

Ўзбекистон – келажаги буюк давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган • E-mail: Info@xs.uz • 2008 йил 26 январь, № 19 (4429) Шанба


## САМИМИЙ ҚУТЛОВЛАР

### Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Жаноби Олийларига

Жаноби Олийлари,

Сиз, Жаноби Олийларининг Ўзбекистон Республикаси Президенти этиб қайта сайланганингиз муносабати билан самимий қутловларимни изҳор этиш ва Ўзбекистоннинг Жаноби Олийлари раҳбарлигида бундан буён ҳам ривожланиб бораверишига тилакдош бўлиш шарафига муяссарман.

Шуни зўр мамнуният билан маълум қилишга ижозат бергайсизки, 2007 йилнинг апрелида Сиз, Жаноби Олийлари билан учрашувдан сўнг мамлакатларимизнинг иқтисодий ҳамкорлигини фаоллаштириш ва мустаҳкамлаш ишидаги муҳим омил – икки томонлама Инвестиция битимини тузиш бўйича музокаралар жараёни бошланди, учрашувимиз давомида Ўзбекистон Республикаси билан Япония ўртасидаги иқтисодий ҳамкорликни чуқурлаштириш муҳимлиги таъкидлаб ўтилган эди.

Мен ҳам Япония билан Ўзбекистон Республикаси ўртасидаги ҳамкорликни янада ривожлантириш ва чуқурлаштириш йўлида бор куч-ғайратимни сарфлашга тайёр эканлигимни билдираман.

Ушбу имкониятдан фойдаланиб, Сиз, Жаноби Олийларига мустаҳкам сиҳат-саломатлик ва кўпдан-кўп муваффақиятлар тилаб қоламан.

Камоли эҳтиром ила,

**Акира АМАРИ,**
**Япония иқтисодиёт, савдо ва саноат вазири.**

* * *

### Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Жаноби Олийларига

Жаноби Олийлари,

2007 йилнинг 23 декабрида Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловида халқаро кузатувчи сифатида буюк мамлакатингизга ташриф буюриш мен учун улкан шараф ва имтиёз бўлди. Мен Ўзбекистондаги сайлов ва Сизнинг раҳбарлигингизда шакллантирилган демократик маданият тўғрисидаги кузатувларимни энг нуфузли ҳамда кўп нусхада урду ва инглиз тилларида чоп этиладиган «Nawa-i-Waqt» ҳамда «The Nation» газеталарида баён этдим.

Мен шундай хулосага келдимки, ўзбек замини Амир Темурдан сўнг Ўзбекистонга мусулмон бирдамлигини берган ҳамда унинг янги қиёфасини яратган Ислом Каримовдек иккинчи буюк етакчини дунёга келтирди.

Мен шунга гувоҳ бўлдимки, Сизнинг раҳбариятингиз Ўзбекистон халқини қаҳрамонона ва сидқидилдан меҳнатга илҳомлантирди, бу эса ҳар қандай миллат учун уйғониш ва ривожланиш шарти, тараққиёт ва улуғворликни таъминлаш учун тарихий зарурат ҳисобланади.

Ўзбекистон меъёр, маърифат ва демократик маданият намунаси бўлиб, мусулмон оламида буюк мамлакат сифатида ўз тараққиётини давом эттиришига ишонч билдиришга ижозат бергайсиз.

Жаноби Олийлари,

Ҳиндистонда бобурийлар шажарасининг асосчиси Заҳириддин Бобур мусулмон мамлакати сифатида Покистоннинг асосига тамал тошини қўйган ўзбек етакчиси бўлган.

Шу муносабат ила мамлакатларимиз ўртасидаги алоқаларни мустаҳкамлаш мақсадида Заҳириддин Бобурнинг таваллуд кунларини ҳар йили Покистон ва Ўзбекистонда нишонлашни таклиф қилишга журъат этаман.

Мен Сизнинг икки томонлама муносабатларимизни, мамлакатларимиз ўртасидаги ҳамкорликни ривожлантиришда улкан муваффақият бўлган Ўзбекистон ва Покистон ўртасида ҳаво алоқасини очиш ишидаги буюк хизматингизни ва узоқни кўра билишингизни юксак қадрлайман.

Ишончим комилки, минтақанинг икки энг муҳим давлати ўртасидаги дўстлик ва ҳамкорлик минтақада тинчлик, равнақ, тараққиёт ва ривожланиш учун ниҳоятда зарурдир. Яна шуни таъкидлашга ижозат бергайсизки, мамлакатларимизнинг Афғонистонда тинчликни таъминлашга бераётган кўмаги бутун минтақа учун ҳам муҳим ҳисобланади.

Покистон ва Ўзбекистон ўртасидаги дўстона алоқаларни ривожлантиришга бундан буён ҳам фаол ҳисса қўшишга тайёрман, деб Сизни ишонтириб айтишга ижозат бергайсиз.

Биродарингиз,

**Зафар БАХТАВАРИ,**
**Покистон маданияти форуми Президенти.**

* * *

### Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Жаноби Олийларига

Муҳтарам Президент Жаноби Олийлари,

Ассалому алайкум,

2007 йил 23 декабрда бўлиб ўтган Президент сайловида халқаро кузатувчи сифатида иштирок этиш учун Ўзбекистонга таклиф қилинишим менга ғоят катта шараф ва имтиёз бўлди.

Энг аввало, Сизга Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловидаги ишончли ғалабангиз муносабати билан ғоят қизғин қутловларим ва самимий табрикларимни изҳор этишга ижозат бергайсиз.

Ғарбнинг баъзи оммавий ахборот воситалари ва кузатувчилари Сизга сайловчилар томонидан берилган юксак ишончга ҳайрат билан муносабат билдирди. Шу боис, тўлиқ ишонч ила айтаманки, мазкур холис кўрсаткич Сизнинг Ўзбекистон халқи ўртасидаги улкан обрў-эътиборингиздан ва 1991 йилда Ўзбекистон мустақилликка эришган кундан бошлаб халқингиз олдидаги, хусусан, таълим, соғлиқни сақлаш соҳаларида, шунингдек Ўзбекистонга ташриф буюрганларнинг барчаси ўз кўзи билан кўра оладиган тарихий обидаларни янгилаш ва қайта тиклашдаги улкан хизматларингиздан яққол далолат беради.

Президентлик лавозимида Сизнинг навбатдаги муддатда Ўзбекистон халқига худди шундай садоқат билан хизмат қилишингизда Сизга Яратгандан сиҳат-саломатлик ва куч-қувват ато этишини илтижо қиламан.

Ўзбекистон билан Покистон ўртасидаги муносабатларни янада мустаҳкамлаш йўлида кўплаб ишларни амалга оширавеpишингизга ишончим комил. Зеро, биз нафақат яқин қўшнилар, балки кўп асрлик муштарак меросга ҳам эга халқлармиз.

Жаноби Олийлари,

Мен сайловнинг адолатли ва ошкора тарзда ташкил этилганлигини юқори баҳолайман ва ўзимнинг таҳсин сўзларимни изҳор этмоқчиман. Сайловнинг осойишта ва ошкора муҳитда ўтказилиши учун барча қулай шарт-шароитлар яратилди.

Покистон сайлов комиссияси мамлакатингизда сайлов ўтказиш тажрибасидан кўп жиҳатларни ўрганиб, ўзида татбиқ этиши мақсадга мувофиқдир, мен бу ҳақда ҳукуматимиз раҳбарига нома ёзиб юбордим.

Тошкентда бўлган вақтимда Ўзбекистон ҳукумати менга кўрсатган самимий меҳмондўстлиги учун чуқур миннатдорлигимни изҳор этишга ижозат бергайсиз.

Яна бир бор Сизни Ўзбекистон Республикаси Президенти лавозимига навбатдаги муддатга муваффақиятли қайта сайланганингиз муносабати билан муборакбод этиб қоламан.

Камоли эҳтиром ва энг эзгу тилаклар ила,

Самимий биродарингиз,

**Д-р Анвар СИДДИҚИЙ,**
**Халқаро Ислом университети Президенти.**

---

**Санъат**

## Меҳр ва эътибор оғушида

***Мутахассисларнинг фикрича, агар фарзандларимизда мусиқа эшитиш маданиятини қанчалик эрта тарбиялаб борсак, бу уларнинг тарбиясига шунчалик ижобий таъсир кўрсатар экан. Шу маънода, "Болалар мусиқа ва санъат мактабларининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш ва уларнинг фаолиятини янада яхшилаш бўйича 2009-2014 йилларга мўлжалланган давлат дастурини тайёрлаш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Президент Фармойиши беқиёс аҳамиятга эга.***



Мазкур ҳужжатда кўрсатилган вазифаларни амалга оширишда Ҳамза номидаги республика мусиқа коллежининг ўзига хос ўрни бор. Ушбу ўқув даргоҳи ўтган йиллар мобайнида 8 мингдан зиёд иқтидор эгаларини бағридан учирма қилди. Тажрибали мутахассислар ёшларга мусиқа илмидан сабоқ бериб, уларнинг республика ва халқаро миқёсдаги қатор танловларда муваффақият қозонишига муносиб ҳисса қўшмоқда. Истиқлол берган беқиёс имкониятлар боис коллеж ўқувчилари Франция, Германия, Россия, Руминия, Италия, Қозоғистон ва Озарбойжон каби қатор давлатларда бўлиб ўтган нуфузли фестивалларда муносиб ўринларни эгаллаб, хорижлик мутахассислар эътирофига сазовор бўлишмоқда.

Ўқув даргоҳида ўзбек халқ чолғулари ва баян, фортепьяно, торли чолғулар, академик хонандалик, хор дирижёрлиги, анъанавий ижрочилик ва бошқа санъат турлари бўйича мутахассислар тайёрланади. Ўқувчилар миллий чолғу асбобларидан ташқари, Япониянинг «YAMAHA» фирмаси ускуналари ёрдамида мусиқий билим эгаллашмоқда. Шунингдек, коллежнинг 100 мингга яқин китоб захираси мавжуд. Ўқувчилар учун 59 та синф хонаси, 100 ва 180 ўринли катта-кичик концерт заллари, 60 ўринли ошхона ҳамда республикамиз мусиқа мактаблари орасида ягона орган чолғуси сингари қулайликлар муҳайё қилинган.

Коллежга бошланғич мусиқа саводига эга бўлган истеъдодли ўқувчиларни қабул қилиш мақсадида унинг қошида мактабдан ташқари болалар мусиқа мактаби ташкил этилган. Унда 200 нафарга яқин кичик ёшдаги ўқувчи мусиқадан сабоқ олмоқда. Айтиш мумкинки, мазкур мактаб коллежнинг амалиёт базаси вазифасини ўтамоқда.

— Ўтган йили мактабни тамомладим, — дейди "Болалар эстрада дасталарининг республика танлови — 2007" ғолиби, ўн олти ёшли А. Султонов. — Келажакда санъаткор бўлмоқчиман. Айни пайтда Ҳамза номидаги мусиқа коллежида ўқияпман. Бу ерда билим олиш билан бирга, кўплаб танловларда қатнашиб, ғолиб бўлиш имконияти бор.

Ҳа, яратилган имкониятлар шарофати билан ёшларимиз ҳар қанча фахрлансалар арзийди. Зеро, улар эзгулик ва меҳр оғушида улғаймоқдалар.

**Мақсуд ЖОНИХОНОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

**СУРАТДА: мусиқа коллежи ҳаётидан лавҳа.**
**Темур ҚУРБОНБОЕВ олган сурат.**

---

*"Political Events":*

## ЎЗБЕКИСТОН ЁШЛАРИ ПРЕЗИДЕНТ САЙЛОВИДА ИСЛОМ КАРИМОВ НОМЗОДИНИ ҚЎЛЛАБ - ҚУВВАТЛАДИ

***Ҳиндистонда нашр этиладиган "Political Events" таҳлилий журналининг жорий йилдаги илк сонида ушбу сарлавҳа остида салмоқли мақола эълон қилинди. Унинг муаллифи Ўзбекистонда ўтказилган Президент сайловида халқаро кузатувчи сифатида иштирок этган Ҳиндистоннинг етакчи сиёсий шарҳловчиларидан бири М.К. Дхардир.***

"Political Events" журнали Ҳиндистоннинг расмий, ижтимоий-сиёсий ва эксперт доиралари учун жаҳонда рўй бераётган сиёсий жараёнлар тўғрисида таҳлилий мақолаларни эълон қилишга ихтисослашган.

Мақолада таъкидланишича, Ислом Каримовнинг "Ўзбекистон Президенти лавозимига қайта сайланишида қўллаб-қувватловчилар асосини барча ёшдаги, ижтимоий ва этник гуруҳ вакиллари ташкил этса-да, мамлакат ёшлари бу ғалабанинг бош меъмори бўлди".

Журналда қайд этилганидек, сайловчиларнинг юқори даражадаги иштироки мамлакатни демократия йўлида янада ривожлантириш ва модернизация қилиш — бу ўзларининг қабул қилаётган қарорларига боғлиқ эканини англаб етган Ўзбекистон фуқароларининг сиёсий шури юксалганини намоён қилмоқда. Мақолада шунингдек, дунёнинг 30 мамлакатидан ҳамда МДҲ, ШҲТ, ЕврАзЭС ва бошқа халқаро ташкилотлардан ташриф буюрган 264 нафар кузатувчи сайлов жараёнларини бевосита кузатгани ва унинг тўла қонуний ўтганига ишонч ҳосил қилгани зикр этилган.

Сайлов натижалари Президент Ислом Каримов халқ томонидан кенг қўллаб-қувватланаётганини кўрсатди, бинобарин у мустақиллик йилларида мамлакат аҳлининг тез ва яхлит иқтисодий ривожланишга асосланган муносиб турмуш тарзини таъминлаб берди. Ташкил этилган кўп сонли янги иш ўринлари, ишлаб чиқарилаётган автомобиллар, бунёд этилаётган ҳашаматли бинолар, мактаб, шифохона ва савдо мажмуаларида ислоҳотлар натижаси яққол кўзга ташланади.

Ўзбекистон — Марказий Осиёда энг кўп нуфусга эга бўлган мамлакатдир ва аҳолисининг аксариятини мусулмонлар ташкил этади. Президент Ислом Каримов Ўзбекистон барча дин ва миллатларга бирдай ҳурмат билан муносабатда бўлувчи дунёвий давлат бўлиб қолишини кафолатлаган.

Мамлакат ривожининг дастлабки босқичларида Президент Ислом Каримов миллий хавфсизлик ва сиёсий уйғунлик жамият демократик тараққиётининг шартлари эканини қатъий таъкидлаган эди. Ўтган президентлик сайловида И. Каримов турли партия ва гуруҳлар вакиллари бўлган уч нафар бошқа номзод билан рақобатлашди. Уларнинг барчаси ўз дастурларини матбуот ва телевидение орқали халққа етказиш ҳамда сайлов олди кампанияси жараёнларини ёритишда тенг имкониятларга эга бўлишди.

Ўзбекистонда демократия жадал суръатларда ривожланмоқда. Одамлар ҳар қандай аралашувлардан холи бўлган ўз овоз бериш ҳуқуқларидан фойдаланиш борасида мислсиз шижоатни на-

(Давоми 2-бетда).

---

***Андижон вилоятида 2008 йил 1 январдан кучга кирган Ўзбекистон Республикасининг янги Солиқ кодекси мазмун-моҳиятини тушунтириш ва ижросини изчил таъминлашга бағишланган семинар бўлиб ўтди.***

## ЯНГИ СОЛИҚ КОДЕКСИ ИЖРОСИГА БАҒИШЛАНДИ

Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси томонидан ташкил этилган ушбу тадбирда Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида бозор иқтисодиётига асосланган кучли демократик давлат ва эркин фуқаролик жамияти қуриш йўлида амалга оширилаётган кенг қамровли ислоҳотлар ўз самараларини бераётгани таъкидланди. Бунда ҳар томонлама пухта ишлаб чиқилган қонунларнинг ҳаётга изчил татбиқ этилаётгани муваффақиятлар омили бўлаётир.

Янги Солиқ кодексида солиқ тўловчиларнинг ҳуқуқлари кенгайтирилиб, аввалгидан фарқли равишда солиқ тўловчиларга солиқ муносабатлари масалалари юзасидан ўз манфаатларини шахсан ёки вакили орқали ҳимоя қилиш ҳуқуқи берилган.

Таъкидлаш лозимки, янги солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар белгиланишини, имтиёзлар тўлиқ ёки қисман бекор қилинишини, солиқ солинадиган база оширилишини назарда тутувчи солиқ тўғрисидаги қонун ҳужжатлари улар расмий равишда эълон қилинган пайтдан эътиборан камида 3 ой ўтгач амалга киритилиши қайд этилган.

(Давоми 2-бетда).

---

**МАМЛАКАТ бўйлаб**

Воқеалар, янгиликлар, хабарлар

## ЭГИЗБУЛОҚДА ҚЎШМА КОРХОНА

***Фориш туманидаги Пистали тоғ этакларида барпо этилаётган «Euro Forish sement» қўшма корхонасида 2008 йилда 15 миллион АҚШ доллари миқдоридаги иш бажарилади.***

Европа мамлакатлари ҳамкорлигида, хориж сармояси кўмагида бунёд этилаётган корхона йилига 1 миллион 300 минг тонна цемент ишлаб чиқариш қувватига эга бўлади.

Дастлабки ҳисоб-китобларга кўра, мазкур корхона вилоятдаги барча қурилиш ташкилотларининг цементга бўлган эҳтиёжини тўлалигича қондиради.

**Баҳриддин САТТОРОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

**БИР РАҚАМ ШАРҲИ**

***Ўтган йили мамлакатимизда иш ҳақи, пенсия, стипендия ва нафақаларнинг реал миқдори***

**40 фоизга ортди.**

Бу республикамизда ишлаб чиқариш суръатлари ошиши ҳисобига даромад манбаи кўпаяётгани, қолаверса, меҳнат аҳлининг иш ҳақи миқдорини 2007-2009 йилларда камида 2 баробар кўпайтириш бўйича белгиланган устувор вазифалар изчил ижро этилаётганининг самарасидир.

***Навоий вилоятида аҳолини, айниқса, ёшларни уй-жой билан таъминлашга алоҳида эътибор қаратилаётир. Сўнгги уч йилда Навоий шаҳрида бешта кўп қаватли уй-жой бинолари қад ростлади.***

## АҲОЛИ УЧУН ТУРАРЖОЙ

Зарафшон шаҳрида эса иккита кўп қаватли уй-жой бунёд этилди. Учқудуқ шаҳрида ҳам иккита кўп қаватли бино ва 250 ўринга мўлжалланган ётоқхона қуриб фойдаланишга топширилди.

Ўтган йили вилоят миқёсида уй-жой қурилиши учун 325 миллиард сўмлик иш бажарилди. Бунинг ўн миллиард сўми давлат бюджети ҳисобидан амалга оширилди. Айни пайтда вилоят қишлоқлари ва овулларида якка тартибда уй-жой қуришга шароит яратилмоқда.

**Ҳамдам ЭШОНҚУЛОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

*"Ўзбекистон ҳаво йўллари":*

## «ПЎЛАТ ҚУШЛАРИМИЗ ДУНЁ КЕЗАР...»



*Мамлакатимиз иқтисодий салоҳиятининг юксалиши ва унинг халқаро ҳамжамиятдаги обрў-эътибори ортишида ўзининг 16 йиллигини нишонлаётган "Ўзбекистон ҳаво йўллари" миллий авиакомпаниясининг ҳам муносиб улуши бор. 1992 йил 28 январда Президентимиз Фармони билан ташкил этилган ушбу жамоа бугунга келиб, Халқаро фуқаро авиациясининг тўлақонли аъзосига айланди.*

Қувонарлиси шундаки, авиакомпаниямизнинг "пўлат қушлари" жаҳоннинг 40 дан зиёд йирик шаҳарларига парвоз қилмоқда. Шу билан бирга, 24 та мамлакатда унинг 43 та ваколатхонаси ишлаб турибди. Йилига салкам 2 миллион йўловчига хизмат кўрсатилмоқда.

1993 йилда авиапаркимизга Ғарбда ишлаб чиқарилган замонавий, тежамли ва юқори классли дастлабки "А-310" самолёти келтирилган эди. Кейинроқ унинг сафига дунёга машҳур "Боинг-757","Боинг-767", "RJ-85", шунингдек, "В.П. Чкалов номидаги Тошкент авиация ишлаб чиқариш бирлашмаси" давлат акциядорлик жамиятида ишлаб чиқарилган, ўрта масофага учувчи "Ил-114" йўловчи ва "Ил-76" юк самолётлари ҳам қўшилди. Республикамиз раҳбариятининг қўллаб-қувватлаши туфайли тез орада миллий авиапаркимиз яна иккита "Боинг-787" ва "Эрбас" консорциумининг олтита "А-320-200" самолёти билан бойиди.

Таъкидлаш жоизки, "Тошкент" бош ҳаво дарвозамизда ўта замонавий жиҳозлар билан таъминланган "Парвозларни бошқаришнинг автоматлаштирил-

(Давоми 2-бетда).

### “Political Events”:

# ЎЗБЕКИСТОН ЁШЛАРИ ПРЕЗИДЕНТ САЙЛОВИДА ИСЛОМ КАРИМОВ НОМЗОДИНИ ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАДИ

(Давоми. Боши 1-бетда).

мойиш этдилар. Сайлов очиқ ва ошкора тарзда ўтди. Унда сайловчиларнинг 90 фоиздан зиёди иштирок этгани бундан далолат беради.

Мамлакат учун масъулиятни ўз зиммасига олар экан, Ўзбекистон раҳбари мустақилликнинг илк йилларида ўз саъй-ҳаракатларини издан чиққан иқтисодиётни жонлантириш ва уни тезкорлик билан тиклашга йўналтирди. У мазкур ишларни давлат секторининг катта қисмини ислоҳ қилиш ва юрт тараққиётида хусусий тадбиркорлар иштирокини рағбатлантириш орқали амалга оширишга муваффақ бўлди. У шунингдек, хориж сармоядорларини фойдали қазилмаларни ўзлаштириш ва нефть қазиб чиқариш саноатини ривожлантириш борасида кенг иштирок этишга таклиф этди. Қўлга киритилган натижалар эътиборга моликдир. Иқтисодиёт йиллик 7 фоизга тенг бўлган барқарор ўсишни намойиш этмоқда. Ўзбекистон ўзини нефть маҳсулотлари ва табиий газ билан таъминлабгина қолмай, уларни экспорт қилувчи давлатга айланди. Шунингдек, республика қўшни мамлакатларга қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини ҳам етказиб бермоқда.

Давлат даромадларининг ўсиши барча соҳалар учун фойдали натижаларни берди. Хусусан, давлат хизматчиларининг ойлик маоши ҳар йили оширилмоқда, соғлиқни сақлаш тармоғи бутун мамлакатни қамраб олди ва деярли ҳар бир қишлоқда мактаб мавжуд. Барча мактаб бинолари қайта таъмирланмоқда ва уларни кенгайтириш ҳамда замонавийлаштириш жараёни изчил давом эттирилмоқда.

Навқирон мамлакат ҳисобланган Ўзбекистонда бугунги кунда 18 ёшгача бўлган 10 миллион 400 минг нафар ёшлар истиқомат қилади ва улар аҳолининг 40 фоизга яқинини ташкил этади. 30 ёшгача бўлганлар сони эса 17 миллион киши бўлиб, бу аҳолининг 64 фоизи демакдир. Бинобарин, бу ерда аҳолининг ушбу катта қисми билан боғлиқ масалаларга алоҳида эътибор қаратиш эҳтиёжи мавжуд. Айрим туманларда ўз овоз бериш ҳуқуқидан илк бора фойдаланган 18 дан 21 ёшгача бўлган сайловчилар электоратнинг 40 фоизини ташкил қилди. Берилган овозларни ҳисоблаш натижалари шуни кўрсатдики, улар Ислом Каримов ва унинг ёшлар учун порлоқ келажакни таъминлаш борасидаги саъй-ҳаракатлари учун овоз берган. Ўтган даврда мамлакатни саноатлаштириш натижасида беш миллиондан ортиқ янги иш ўринлари яратилди, инфратузилмалар сезиларли даражада кенгайди, ҳар бир қишлоққа электр энергияси ва тоза ичимлик суви етиб борди. И. Каримов аҳолининг барча қатламлари билан ўзи режалаштираётган ишларни таништириши баробарида уларнинг тегишли ижросини шахсан назорат қилаяпти ва кафолатламоқда. Жорий 2008 йилда миллий бюджетнинг 54,6 фоизи ижтимоий соҳага йўналтирилди", дея қайд этилади мақола якунида.

**«Жаҳон» АА.**
Деҳли

### “Ўзбекистон ҳаво йўллари”:

# «ПЎЛАТ ҚУШЛАРИМИЗ ДУНЁ КЕЗАР...»

(Давоми. Боши 1-бетда).

ган маркази" ишлаб турибди. “Ўзаэронавигация” маркази эса юртимиз осмонида самолётлар ҳаракатини бошқарибгина қолмай, балки янги ҳаво йўлларини ҳам очишга имкон туғдирмоқда. Айни чоғда пойтахтимиздаги собиқ “243-авиатаъмирлаш заводи” негизида ташкил топган “Uzbekistan Airways Tehcnics” авиакорхонаси нафақат ўз лайнерларимизга, балки МДҲ, Марказий ва Жануби-шарқий Осиё мамлакатлари авиакомпаниялари самолётларига ҳам техник хизмат кўрсатаяпти. Марказнинг тажрибали муҳандис ва мутахассислари ҳаво кемаларига техник хизмат кўрсатишнинг энг мураккаб шакли ҳисобланмиш «С4-Chek», яъни капитал таъмирлашни ҳам йўлга қўйдилар. Бу аслида Маҳаллийлаштириш дастурини амалга ошириш шарофатидир

Маълумки, кейинги йилларда қабул қилинган ҳукумат дастурига мувофиқ, “Тошкент” ва бошқа бир қатор вилоят марказларидаги аэропортлар тўлиқ модернизация қилинди. “Самарқанд”,“Бухоро”, “Урганч” ва “Термиз” аэропортлари эса халқаро мақом даражасини олди. Навоий аэропортининг учиш-қўниш майдони тўлиқ реконструкция қилинган бўлса, Наманган аэровокзали бутунлай қайта таъмирланди. Табиийки, булар кўплаб янги халқаро ва ички ҳаво йўналишлари очилишига туртки бўлди. Мисол учун, 2007 йилнинг июль ойидан “Тошкент — Милан — Тошкент”, “Тошкент — Афина — Қоҳира — Тошкент”, “Навоий — Москва — Навоий”, “Тошкент — Сочи — Тошкент” йўналишларида тўғридан-тўғри учиш имконияти яратилди. Ҳозирда Россиянинг Ростов-Дон, «Минвода» ва Калининград шаҳарларига авивқатновларни амалга ошириш бўйича муайян ишлар олиб борилмоқда.




“Ўзбекистон ҳаво йўллари” миллий авиакомпаниясининг йўловчи ва юк ташиш борасидаги ўсиш суръатларини мана бу рақамлардан ҳам билса бўлади. Хусусан, жамоанинг сифат ва самарадорликка эришиш йўлидаги саъй-ҳаракатлари туфайли 2007 йилда 2006 йилдагига нисбатан 8,8 фоиз кўп, яъни 22935 та авиақатнов (шундан 297 таси чартер) амалга оширилиб, салкам 2 миллион йўловчи манзилига эсон-омон етказилди. Бундан ташқари, 20 минг тоннадан зиёд турли тоифадаги юк ташилди.

Дарҳақиқат, олтмиш миллат вакилларидан иборат салкам 14 минг ишчи-хизматчи меҳнат қилаётган мазкур жамоа мустақиллик йилларида ҳақиқий ривожланиш йўлини босиб ўтди. “Ўзбекистон ҳаво йўллари” миллий авиакомпаниясининг 100 дан зиёд ишчи-хизматчилари эса, Президентимиз Фармонларига кўра, мамлакатимизнинг юксак мукофотларига сазовор бўлишди. Бундай эътибор ва эътироф жамоани янгидан-янги марраларни эгаллашга ундамоқда.

**Саидолим ҲАЙДАРОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

Диққат, янги рукн:

## ТАДБИРКОР АЁЛЛАР

***Фотомухбир Козим Ўлмасов тасвирга тушурган ушбу суратга диққат ила бир разм солинг: гўзал ва мафтункор-а? Аммо ҳикоямиз фақат шу хусусда эмас...***

***Гулчеҳра Маҳмудова ва унинг қўл остида меҳнат қиладиган муҳандис-техник ходимлар, ишчи-хизматчилар ҳар куни эрталаб фирма офиси ҳамда унга қарашли корхонаю ташкилот ва муассасаларга икки томонида дароз игнабаргли арча дарахтлари кўкка бўй чўзган ана шу дилкушо йўл орқали ишга келадилар. Бу ҳолат инсоннинг янги иш кунидаги фаолиятига, унинг руҳиятига қай даражада ижобий таъсир кўрсатиши ўнқир-чўнқир, бирорта ҳам бута ёки гул ўсмаган ёхуд ёзда чанг, қишда лой аримайдиган кўчалардан юрганларга беш қўлдай аён.***



# ЭЗГУЛИКЛАР ТАШАББУСКОРИ

...**У** бугун Янгийўл тумани ва шаҳри кўркига-кўрк қўшиб турган муҳташам офисида ўндан зиёд кишиларни қабул қилди. Келиб-кетганларнинг орасида ишбилармонлар, фермерлар, маҳалла фуқаролар йиғини фаоллари, кам таъминланган оилалар бекалари, «Меҳрибонлик уйи» ва болалар боғчаларининг вакиллари бор эди. Улар билан дилдан суҳбатлашаркан, руҳи енгил тортиб, кайфияти кўтарилди, ҳар бирининг ўзгача меҳрию самимиятидан эса боши осмонга етди.

— Сиз ўғлимни ғишт заводингизга ишга олувдингиз, шуни сўраб бир йил аввал илтимос қилиб келувдим-а, мени танидингизми, қоқиндиқ? — деди «Истиқлол» кўчасида яшовчи Марҳамат опа Халилова. — Ўша қора кўзимиз Каримжон, айланайин сиздан, шу ерда ўз бахтини топди — келинпошша ҳам фирмангизда хизматчи экан. Уларнинг бошини иккита қилмоқчимиз. Келаси якшанбада, худо хоҳласа, тўй. Бутун оиламиз номидан сизни никоҳ оқшомига таклиф этамиз...

Қўшни Қозоғистон Республикасидан келган «Бунёдкор» қурилиш фирмасининг вакили гапни миннатдорлик билдиришдан бошлади.

— Сизга катта раҳмат! — деди меҳмон. — Шартномага мувофиқ, бизга ўз вақтида етказиб берган пишиқ ғиштларингиз туфайли поликлиника учун мўлжалланган объектни белгиланган муддатда қуриб, фойдаланишга топширдик. Яна икки вагон ғишт олиш юзасидан шартнома тузмоқчимиз.

Маҳалла фуқаролар йиғини оқсоқоли «Янги йилингиз муборак бўлсин! Сизга ҳавасим келади, Гулчеҳрахон. Чунки сиз бугун таниқли тадбиркорсиз — 500 хонадоннинг суюкли опайисиз. Ахир салкам минг нафар одамни иш билан таъминлаш наинки ҳар қандай аёл, балки «манаман» деган эркакнинг ҳам қўлидан келавермайди. Бу билан шунча оиланинг дастурхонини тўкин, ризқини бутун қилаяпсиз. Илоҳим, омадингизни берсин, кўз тегмасин» деганида эса, у азбаройи тўлқинланиб кетди. Сабаби, билласиз, «опай» сўзи бизнинг халқимизгагина хос бўлиб, одатда бу калима элга кўп нафи теккан, юрт корига яраш йўлида сидқидилдан ҳалол меҳнат қилиб, кўпчилик ўртасида обрў-эътибор қозонган аёлларга ҳурмат-эҳтиром сифатида лутф этилади.

Гулчеҳра Маҳмудова ёлғиз қолгач, шулар ҳақида ўйларкан, бу кунларга етказган Яратганга шукроналар изҳор этди. «Қўлимни кўксимга қўйиб айтаманки, — деди у гўё ўзига ўзи гапираётгандай, — агар Истиқлол бўлмаганида, мамлакатимизда тадбиркорлик ҳаракатини ташкил этиш ва унинг жадал ривожланиши учун кенг имкониятлар яратилмаганида, ишбилармонлар қўллаб-қувватланиб, уларга ҳали қулоқ эшитмаган имтиёзлар берилмаганида, муҳими, бу ҳаракатнинг раҳнамоси ва ташаббускори бўлмаганида, мен ким бўлардим? Нари борса, давлатнинг бирор идорасида оддий мутахассис бўлиб ишлардим, жилла қурса, бирор бўлим ёки бошқармага раҳбарлик қилардим».

Бугун-чи, у кимсан, нафақат пойтахт вилоятида, балки республикамизда номи аллақачон танилган «Ўткир» хусусий ишлаб чиқариш-тижорат фирмасининг раҳбари! Бу фирманинг таркибида эса йирик ғишт заводи, 90 гектар ерга эга фермер хўжалиги, чорвачилик комплекси, ўттиздан зиёд савдо ва маиший хизмат кўрсатиш шохобчалари, дорихоналар, нон ва нон маҳсулотлари пиширадиган махсус цехлар, «Наврўз» чойхонаси, «Баҳор» ошхонаси, «Шабнам» ва «Мадина» ресторанлари ишлаб турибди. Бу ерда, ҳатто, чиқиндиларни қайта ишлайдиган цех ҳам фаолият юритмоқда. 400 ўринли ётоқхона биноси ва 250 ўринли ошхона эса фақат ишчи-хизматчиларга қулайлик яратиш мақсадида барпо этилган. Буларнинг ҳаммаси юрт равнақи, халқ фаровонлигини ошириш, инсон саломатлиги ва экологияни муҳофаза этиш, қолаверса, Бандлик дастури ижросини таъминлаш йўлида хизмат қилмоқда.

Амалга оширилган шунчалик кенг кўламли ва улкан миқёсли ишларнинг дебочаси эса мустақилликнинг дастлабки йилларида пишиқ ғишт ишлаб чиқарувчи заводни қуришдан бошланган эди, десак, айримлар бунга ишонмасликлари мумкин. Дарвоқе, нима учун у тадбиркор сифатида илк бор айнан шу юмушга қўл урди?

Маълумки, бозор иқтисодиёти шароитида унинг талаблари ўзгарувчан бўлади. Айтайлик, юртимиз мустақилликка эришгач, асрлар мобайнида пойдевори бир ёки икки қатор тошдан иборат, девори эса гувала ва пахсадан ёки ёғоч синчдан тикланган пастқам иморатларда яшаб келган халқимиз энди пишиқ ғиштдан қурилган икки-уч қаватли уйларда истиқомат қилишни хоҳлаб қолди.



Ҳусусий корхонада ишлаб чиқарилаётган пишиқ ғиштлардан муҳташам иморатлар бунёд этилмоқда. Бундан цех бошлиғи ўринбосари Турсунбой Қаҳҳоров ва ишчи Бахтиёр Иброҳимов мамнун.

— Ўшанда тўғри йўл танлаганимизни даврнинг ўзи исботлади, — дейди Гулчеҳра Маҳмудова у кунларни эслаб. — Мана, бир неча йилдирки, ғишт заводимизнинг маҳсулотлари ички бозорни тўлдирибгина қолмасдан, қўшни мамлакатларга ҳам чиқарилмоқда. Ўтган йили Қозоғистон Республикасидаги мижозларимиз билан 380 миллион сўмлик шартнома имзолагандик, бу йил эса уларга бундан икки баравар кўп пишиқ ғишт етказиб бермоқчимиз.

Бундан ҳам муҳимроғи, Гулчеҳра Маҳмудова тадбиркорлик этагидан тутгач, «Ўзини мулкдор, мулк эгаси, ўз меҳнатининг ва ишлаб чиқарган маҳсулотининг хўжайини деб ҳис этиш инсоннинг яширин куч-ғайратини юзага чиқаради» деган ҳақиқатнинг нақадар ҳаётий эканлигига тўла ишонч ҳосил қилди. Бу ишонч эса, уни ишлаб чиқариш қувватларини янада ошириш, янги ихтисослашган хўжалик юритувчи субъектлар ва хизмат кўрсатувчи шохобчаларни ташкил этиш ва уларнинг қувватларию имкониятларидан самарали фойдаланишга даъват этди. Мисол учун, «Маҳмудов Ўткир» фермер хўжалиги фаолиятини олиб кўрайлик. Бош ҳисобчи Олимжон Мирзақуловнинг айтишича, фермер хўжалиги аъзолари ғалла ва пахтадан мўл ҳосил етиштирмоқдалар. Шу билан бирга, аҳолига кўплаб миқдорда деҳқончилик ва чорвачилик маҳсулотларини тортиқ қилмоқдалар. Якунланган йилда ғаллачиликдан 20 миллион сўмдан зиёд, пахтачиликдан эса салкам 62 миллион сўм соф фойда олингани шундан далолат беради.

Шу ўринда Гулчеҳра Маҳмудованинг савобли ишлари, жумладан, хайрия ва саховат борасида амалга ошираётган тадбирлари хусусида ҳам гапириб ўтиш лозим. Шунда янгийўлликларнинг унга нисбатан «опай» деб мурожаат этишлари сабабининг яна бир қирраси намоён бўлади, деб ўйлаймиз. Зеро, Алишер Навоий бобомиз айтганидек, кўнгли ярим бир инсоннинг дардига малҳам бўлиш, унинг руҳини кўтариш бамисоли бутун жаҳонни обод қилиш билан баробардир. Бироқ тадбиркор айни шу масалада гап кетганда ўзини четга олиб, ўринбосари Дониёр Турсуновга учрашиш лозимлигини айтади. Бунинг боиси...

— Опай шу даражада камтарки, — дейди Дониёр Турсунов изоҳ бериб, — мабодо хайр-эҳсон ҳақида сўз очилса, «Кимларга савоб йўлида ёрдам берган бўлсак, уларнинг ўзлари билса кифоя, нима керак овоза қилиб?» дея гапга нуқта қўядилар. Ваҳоланки, «Ижтимоий ҳимоя йили»да болалар уйлари, кам таъминланган оилалар, болалар боғчалари ва бошқа муассасаларга миллионлаб сўм моддий кўмак кўрсатилди. Байрамларда эса фирма маблағи ҳисобидан дастурхон ёзиш, совға-саломлар улашиш одатга айланган. Ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш ишлари ҳам доимо эътиборда.

2008 йил — Ёшлар йилида ҳам фирма жамоаси ушбу йўналишда бир қатор тадбирларни рўёбга чиқармоқчи.

— Президентимиз таъкидлаганидек, фарзандларимиз, ёшларимиз бизнинг нафақат ишончимиз ва келажагимиз, ёшларимиз бугунги ва эртанги кунимизнинг ҳал қилувчи кучидир, — дейди Гулчеҳра Маҳмудова. — Шунинг учун ёшлар, айниқса, ёш оилаларнинг муаммоларини ҳал этиш, биринчи галда, уй-жой сотиб олиш ва иморат қуриш, рўзғорини бутлашга ёрдам берамиз. Чунки фирмамизда, асосан, ёш йигит-қизлар меҳнат қилишади. Улар жамоамизнинг суянчи ва таянчи ҳисобланади. Шундай экан, барини қўллаб-қувватлаш биз учун ҳам қарз, ҳам фарздир.

Шундай тадбиркор аёлларимиз бор бўлсин!

**Икром ЎТБОСАРОВ.**

**ТАҲРИРИЯТДАН:** ***Бугунги кунда мамлакатимизда 130 мингдан зиёд кичик ва хусусий бизнес субъекти фаолият кўрсатмоқда. Ўтган йили уларнинг ялпи ички маҳсулот таркибидаги улуши 45 фоиздан ортди. Бунда, ҳеч шубҳасиз, тадбиркор аёлларимизнинг ҳам муносиб ҳиссаси бор. Ўзбекистон Республикаси Хотин-қизлар қўмитасининг таклифини инобатга олиб, бугун газетада янги — «Тадбиркор аёллар» рукнида улардан бири хусусида дастлабки мақолани ёритаяпмиз.***

***Ёзувчилар, журналистлар, барча қалам аҳлига бу рукн доимий эканлигини маълум қилиб, улардан одамларнинг даромадига-даромад қўшиш орқали кишилар турмушини яхшилашга, юрт ободлиги ва Ватанимиз иқтисодиёти янада мустаҳкамланишига катта ҳисса қўшаётган тадбиркор аёллар ҳақидаги материалларни кутиб қоламиз. Энг сара мақолалар газетамизда ёритилади ва рағбатлантирилади.***

# АЁЛЛАР ВА БИЗНЕС

***Мамлакатимизда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш, бунинг учун қулай ҳуқуқий базани яратиш борасидаги ижобий тажриба яқинда Қатар пойтахти Доҳада бўлиб ўтган III Халқаро ишбилармон аёллар форумида алоҳида эътироф этилди.***

**Ф**орум Қатар иқтисодиёт ва савдо вазирлиги, Тадбиркор аёллар ассоциацияси кўмагида ушбу мамлакатнинг Бизнесменлар ассоциацияси, шунингдек, Ислом савдо-саноат палатаси, БМТ Тараққиёт дастури ва Ислом тараққиёт банки томонидан ташкил этилди. Унда дунёнинг 56 давлатидан 250 нафарга яқин вакил иштирок этди. Тадбирда хотин-қизлар ўртасида тадбиркорликни ривожлантириш, жумладан, келгусида ҳамкорлик қилиш мақсадида бу борадаги тажрибани оммалаштириш ва амалий алоқаларни мустаҳкамлаш масалалари кўриб чиқилди.

Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари, Хотин-қизлар қўмитаси раиси, сенатор С. Иномова форумда сўзга чиқиб, унинг иштирокчиларини мамлакатимизда истиқлол йилларида қўлга киритилган ютуқлар, Президент Ислом Каримов ташаббуси билан амалга оширилаётган кенг кўламли ижтимоий-иқтисодий ислоҳотларнинг натижалари билан таништирди. Ўзбекистонда хотин-қизларнинг оила ва жамиятдаги мавқеини ошириш, уларнинг ишбилармонлик салоҳиятини рўёбга чиқариш, ҳуқуқий маданиятини юксалтириш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик фаолиятига кенг жалб қилишга қаратилган улкан ишлар амалга оширилди.

▼ **Ўзбекистон ва жаҳон**

Мамлакатимизда амалга оширилаётган иқтисодий сиёсатнинг муҳим таркибий қисмини ялпи ички маҳсулотда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг улушини мунтазам ошириш учун шарт-шароит яратиш борасидаги ишлар ташкил этади. Шу сабабли иқтисодиётнинг ушбу тармоғидаги субъектларни микрокредитлаш тизимини ривожлантиришга катта эътибор қаратилмоқда. Аҳоли, биринчи навбатда унинг кам таъминланган қатламлари унчалик катта бўлмаган кредит бериш ва бошқа микромолиялаш хизматлари кўрсатиш ҳисобидан ишлаб чиқариш фаолияти билан шуғулланиш ёки ўз бизнесини ривожлантириш имконига эга бўлаётир. Микромолиялаш мамлакатимизда амалга оширилаётган туб ижтимоий ўзгаришларнинг воситаларидан бири бўлиб, ҳудудларнинг иқтисодий ривожланиши, аҳоли турмуш даражасининг ошиши, янги иш ўринлари очиш ва мулкдорлар синфини шакллантиришга кўмаклашаётир. Таъкидлаш жоизки, хотин-қизларнинг бизнес билан шуғулланиш ҳисобидан иқтисодий жиҳатдан мустақил бўлаётгани маҳалла, жамият ва болаларни тарбиялашда уларнинг ўрнини мустаҳкамлаш, гендер ривожланишни таъминлашга ёрдам бермоқда.

Ўзбекистонда тадбиркорлик билан шуғулланиш ва шу орқали ўз оиласи моддий аҳволини яхшилаш истагида бўлган одамларни бу тарзда қўллаб-қувватлашнинг мустаҳкам меъёрий-ҳуқуқий базаси яратилган. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 5 майдаги “”Микрокредитбанк” акциядорлик тижорат банкини ташкил этиш тўғрисида”ги Фармони, шунингдек, кейинги йилларда қабул қилинган “Кредит уюшмалари тўғрисида”, “Микрокредит ташкилотлари тўғрисида” ва “Микромолиялаш тўғрисида”-ги қонунлар микрокредитлаш тизимини ташкил этишда муҳим аҳамият касб этди.

Бугун Ўзбекистонда ассоциацияга бирлашган 49 та кредит уюшмаси фаолият кўрсатмоқда. Уларнинг активлари миқдори 37 миллиард сўмдан ошиб кетди. Кредит уюшмаларининг 90 фоизига “Тадбиркор аёл” Ўзбекистон ишбилармон аёллар уюшмаси таркибига кирадиган тадбиркор хотин-қизлар раҳбарлик қилмоқда. Уларнинг молиявий хизматларидан 60 минг нафардан ортиқ киши фойдаланмоқда. Шуниси эътиборлики, 2007 йилда кредитларнинг 70 фоиздан ортиғи ўз бизнесини бошлаётган ёш аёлларга берилди.

Микромолия сектори Ўзбекистонда қарз олувчилар сони бўйича энг катта тармоқ ҳисобланади. “Микрокредитбанк” маълумотларига кўра, 2007 йилда кредитлар ҳажми 39 миллиард 600 миллион сўмни ташкил этди. Шу жумладан, хотин-қизларга берилган кредитлар миқдори 11 миллиард сўмдан ошди. Бу эса 2006 йилга қараганда 2,7 баробар кўп демакдир. Шу маблағлар эвазига 12 мингдан ортиқ иш ўрни ташкил этилди.

Форумда Ўзбекистон делегацияси аъзолари томонидан тақдим этилган мамлакатимизда тадбиркорликни ривожлантириш, хотин-қизларнинг иқтисодий имкониятларини кенгайтириш ва уларнинг ижтимоий мақомини оширишга доир кенг кўламли ахборот иштирокчиларда катта қизиқиш уйғотди.

Шунингдек, форум доирасида Ўзбекистон делегациясининг Қатар ва бошқа давлатларнинг ишбилармон доиралари вакиллари билан учрашувлари ўтказилди ҳамда улар мамлакатимиз билан муносабатларни ривожлантиришдан манфаатдор эканликларини изҳор этдилар.

**Ф**орум кунлари Қатар матбуотида Ўзбекистонда рўй бераётган ижобий ўзгаришлар, мамлакатимизда иқтисодий, маданий ва ижтимоий ҳаётда хотин-қизларнинг ролини оширишга қаратилган чора-тадбирлар ҳақида ҳикоя қилувчи қатор мақолалар чоп этилди.

**А. ИВАНОВА,**
**ЎзА мухбири.**

# ЯНГИ СОЛИҚ КОДЕКСИ ИЖРОСИГА БАҒИШЛАНДИ

(Давоми. Боши 1-бетда).

Шунингдек, солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларнинг ставкалари ўзгартирилишини кўзда тутувчи қонун ҳужжатлари ҳисобот даври бошланишидан камида бир ой олдин эълон қилиниши керак. Улар расмий равишда эълон қилинган ойдан кейинги ҳисобот даврининг биринчи кунидан эътиборан амалга киритилади. Мазкур нормалар солиқ тўловчиларнинг солиққа оид ўзгаришлар ва янгиликлардан олдиндан хабардор бўлиши учун янада кенг замин яратди. Натижада улар ўз бизнесини ёки тадбиркорлик фаолиятини ўрта давр учун режалаштириш имкониятига эга бўлади.

Андижон вилояти шаҳар ва туманлари ҳокимларининг иқтисодиёт ва ижтимоий ривожлантириш масалалари бўйича ўринбосарлари, давлат солиқ инспекциялари раҳбарлари ҳамда тадбиркорлик субъектлари вакиллари иштирок этган семинарда Солиқ кодексининг ана шундай муҳим жиҳатлари ҳақида батафсил маълумот берилди. Иштирокчилар ўзларини қизиқтирган барча саволларга мутахассислардан жавоб олдилар.

**Норгул АБДУРАИМОВА,**
**ЎзА мухбири.**

▼ **Жараён**

# ДАЛАЛАР УЙҒОҚ



***Сурхон-Шеробод чўлларининг ўзлаштирилиши туфайли 35 йил муқаддам ташкил этилган Қизириқ тумани аҳолиси ҳар қатра сувнинг қадрини ва шўрланган тупроқнинг заҳматларини яхши билишади. Негаки, мавжуд 29697 гектар экинзор «Сурхон» сув омборидан йирик насослар орқали суғорилади. Вақт ўтиши билан ана шу ерларнинг мелиоратив ҳолати ёмонлашиб, экинлар ҳосилдорлиги пасая бошлади. Табиийки, етиштириладиган пахта салмоғи ҳам бир неча бараварга камайиб кетди.***

Ана шундай шароитда Президентимизнинг «Ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармони эълон қилингани қизириқлик деҳқонларнинг кўнглини офтоб мисол ёритиб, эртанги кунга бўлган умид ва ишончини янада мустаҳкамлади.

Мутахассисларнинг айтишича, 723,3 километрлик зовур-дренажларнинг кўп қисми бугунги кунда яроқсиз ҳолга келган, зовур қирғоқлари ўпирилаётгани, 14 минг гектар экин майдонига хизмат қилувчи хўжаликлараро зовур тармоқлари сизот сувлари чиқаришни тўлиқ таъминлай олмаётганлиги кузатилмоқда. Бундан ташқари, 977,8 километр узунликдаги суғориш тармоқлари ҳам жиддий таъмирлашни талаб этади. Шу боис, туман ерларининг мелиоратив ҳолатини яхшилаш вазифалари 2008-2012 йилларда бажариладиган Давлат дастурига киритилди.

— Ўтган асрнинг олтмиш тўққизинчи йили чўлга келганимда навқирон йигит эдим, — дея хотирлайди 66 ёшни қаршилаётган фермер Жиянқул Рустамов. — Шу ерда тер тўкиб, элга танилдим. Мана, 15 йилдан буён фермерман. Пахта ва ғалладан мўл ҳосил олиб турибмиз. Лекин кейинги йилларда ерларимиз чарчаб, шўрланиши ошиб бораётганидан хавотирда эдим.

«Рабатак» фермер хўжалиги раҳбари, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган пахтакор Арабали Дўстмуродов эса шундай дейди:

— Сизот сувлари ташланадиган зовур фермер хўжалигимиз ёнидан ўтади. Унинг ўзани пасайиб, зовурларнинг қуйилиш қисми ишдан чиққан, йирик жарликлар ҳосил бўлган эди. Мана, энди кўнглимиз хотиржам. Чунки мелиорация тизимини яхшилашга қатъий киришилди.

Туманда қишнинг изғиринли кунларида ҳам мавжуд экскаваторларни унумли ишлатиш чоралари кўрилмоқда. Ариқларни таъмирлашда сувдан фойдаланувчилар уюшмалари фермерлар билан ҳамжиҳатликда иш олиб бормоқда. Туман ҳокимлигида эса ҳар куни ирригация-мелиорация ишларининг натижалари кўриб чиқилиб, зарур чора-тадбирлар белгиланмоқда. Бу тадбирлар натижасида ўтган йилнинг декабрь ойидан ҳозиргача 85 км. очиқ зовурлар, 28,8 км. ёпиқ зовурларни тозалашга эришилди.

— Каналлар имкониятини кенгайтириш, насос станциялари қувватини ошириш, шу йил апрель ойига қадар Хитой Халқ Республикасидан келтириладиган мелиоратив техникалардан 10 тасини туманимизга ажратиш ҳукумат дастурида белгилаб қўйилган. Бу ғамхўрликларнинг самараси шу йилдаёқ кўзга ташланиши аниқ. Қолаверса, 9639 гектар майдондаги ғалла майсалари, пахта етиштириладиган 1346 гектар шудгорланган майдон қишнинг баракали қоридан баҳраманд бўлиб турибди, — дейди туман ҳокими Алишер Норқобилов.

**Ч. АЛИМОВ,**
**Қизириқ тумани «Тараққиёт» газетаси бош муҳаррири.**
**О. УСАНОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

# ЖАҲОН 24 соат ичида

## Истеъфо қабул қилинди

Италия бош вазири Романо Проди мамлакат президенти Жоржо Наполитанога ҳукумат истеъфога чиққанини расман билдирди. «AFP» хабарида айтилишича, пайшанба куни кечқурун мамлакат парламенти юқори палатаси — Сенат унинг бошчилигидаги ҳукуматга ишончсизлик билдирган. Бир кун олдин эса қуйи палата ҳукуматни қўллаб-қувватлаган эди.

Клементе Мастелла раҳбарлигидаги «Европа учун демократлар иттифоқи» партияси ҳукумат таркибидан чиққандан сўнг Сенатда бош вазир тарафдорлари камайиб кетди ва унга ишончсизлик билдирилди.

## Астероид ерга яқинлашмоқда



***Америкалик астрономларнинг аниқлашича, ерга узунлиги 150 метрдан 600 метргача бўлган «2007 TU24» астероиди яқинлашиб келмоқда.***

Мутахассислар унинг ерга келиб урилиши эҳтимолдан узоқ эканлигини айтишди. У сешанба куни заминимиздан 540 минг километр узоқликдан ўтиб кетади.

Мазкур астероид ўтган йилнинг октябрь ойида НАСА олимлари томонидан аниқланган эди. Чоршанба куни яна бир — «2007 WD5» деб ном олган йирик астероид Марсга 4 минг километрдан 25 минг километргача яқинлашиб боради. Астрономлар унинг Қизил сайёрага бориб урилиши эҳтимолини ўндан бирга тенг дейишмоқда.

## Ҳарбий ёрдамга тайёр

***АҚШ террорчиларга қарши курашда ёрдам бериш учун Покистонга чекланган миқдорда ҳарбийлар юборишга тайёр.***

Бу ҳақда мамлакат мудофаа вазири Роберт Гейтс баёнот берди.

«Биз иттифоқчимизга ҳар қандай ёрдамга, жумладан, аскарларни қайта тайёрлаш, ҳатто террорчиларга қарши амалиётларда бирга иштирок этишга ҳам тайёрмиз», деди вазир.

Унинг таъкидлашича, бунинг учун, аввало, Покистон томонининг розилиги керак. Аммо ҳозирча расмий Исломобод бундай ёрдам сўрагани йўқ.

## Темир йўлдаги фожиа



**ХХРда Пекин — Циндао (Шаньдун музофоти) йўналиши бўйича қатновчи тезюрар поезд йўлда таъмирлаш ишлари олиб бораётган ишчиларни босиб кетган. «Xinhua» хабарида айтилишича, бу бахтсиз воқеа туфайли 18 нафар ишчи нобуд бўлган, 9 киши тан жароҳати олган.**

**Хабарда поезддаги йўловчилардан ҳеч ким жабр кўрмагани таъкидланган.**

## Бир қарорга келиша олмади

БМТ Хавфсизлик Кенгаши аъзолари уч кун давом этган музокаралардан сўнг ҳам Фаластиннинг Ғазо секторидаги вазият бўйича бир қарорга келиша олмади.

Араб давлатлари лигаси талаби билан ўтказилган ХК йиғилишида АҚШ Исроил тарафида турди. Американинг БМТдаги вакили Алеандро Вулфнинг таъкидлашича, ҳар бир давлат ўзини ҳимоя қилиш ҳуқуқига эга. Исроил ҳам Фаластин чегараларини ёпиш билан ўз ҳудудини ракета ҳужумидан асрамоқда.

Фаластин вакилининг қайд этишича, Ғазо секторида вазият кескинлигича қолмоқда.

## Банкдаги ўғирлик

***Кеча Франциядаги энг йирик ва кекса банк — «Societe General»да барча операциялар тўхтатилди.***



Бунга банкдан 4,9 миллиард евро ўғирлангани сабаб бўлди.

«Financial Times» тарқатган хабарга қараганда, ўғирлик банк брокерларидан бири Жером Карвиль томонидан 2007 йил давомида амалга оширилган. «Societe General» бошқарувчиси вақтинчалик ноқулайликлар учун мижозлардан кечирим сўради. Шунингдек, у истеъфога чиқишини ҳам билдирган. Аммо банк бошқарув кенгаши унинг истеъфосини қабул қилмади.

Банкдаги ўғирлик бўйича текширув ишлари бошланди.

*Хориж матбуоти хабарлари асосида тайёрланди.*

# КУЧ — БИЛИМ ВА ТАФАККУРДА

## Аспирантлар ўртасида 2008 йилдаги Ўзбекистон Республикаси Президенти Давлат стипендиатлари

### ЭРГАШЕВ Пўлат Собирович

*(Республика мустақиллиги ва бозор иқтисодиётига мос ижтимоий-иқтисодий сиёсатни шакллантириш йўналиши бўйича)*



1981 йилда Тошкент шаҳрида туғилган. Низомий номидаги Тошкент Давлат педагогика университетининг «Умумий психология, шахс психологияси, психология тарихи» ихтисослиги бўйича аспиранти. 2005 йилда Тошкент давлат педагогика университети магистратурасини тамомлаган. «Одам ҳақидаги илк таассуротнинг давомийлигида идрок субъекти шахс хусусиятларининг роли» мавзусида номзодлик диссертацияси устида илмий-тадқиқот ишларини олиб бормоқда. 2007 йилда Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Истеъдод» фонди гранти ғолиби сифатида Москва давлат университетида малака оширган.

### ЖАЛИЛОВА Гулнора Тўлқиновна

*(Агросаноат мажмуаси йўналиши бўйича)*



1975 йилда Тошкент шаҳрида туғилган. Тошкент Давлат аграр университетининг «Тупроқшунослик» ихтисослиги бўйича аспиранти. 1998 йилда Тошкент давлат университетини имтиёзли диплом билан тамомлаган. «ГАТ технологияларни қўллаш асосида Сўқоқсой бассейнининг эрозион хавфли бўлган ерларини аниқлаш ва баҳолаш» мавзусида номзодлик диссертацияси устида илмий-тадқиқот ишларини олиб бормоқда. 2007 йилда Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги томонидан ўтказилган аспирант, докторант ва тадқиқотчилар илмий ишлари республика танловининг 1-ўрин совриндори бўлган.

### САЙФИЕВА Матлуба Адашбоевна

*(Энергетика, ресурслар, саноат йўналиши бўйича)*



1980 йилда Наманган вилояти Наманган шаҳрида туғилган. Тошкент тўқимачилик ва енгил саноат институтининг «Тўқимачилик материаллари технологияси» ихтисослиги бўйича аспиранти. 2005 йилда Наманган муҳандислик-иқтисодиёт институтини тамомлаган. «Бўртма нақшли тўқималар тузилиши тадқиқоти асосида янги таркибли матолар яратиш» мавзусида номзодлик диссертацияси устида илмий-тадқиқот ишларини олиб бормоқда. 2002 йилда талабалар учун Ўзбекистон Республикасининг Беруний номидаги Давлат стипендияси танлови ғолиби бўлган.

### ЭГАМБЕРДИЕВ Дилшод Маҳмудович

*(Соғлиқни сақлаш ва экология йўналиши бўйича)*



1978 йилда Самарқанд вилояти Иштихон туманида туғилган. Тошкент тиббиёт академиясининг «Онкология» ихтисослиги бўйича аспиранти. 2003 йилда Самарқанд давлат тиббиёт институтини тамомлаган. «Меъда саратонининг маҳаллий тарқалган турларида кенгайтирилган-комбинациялашган гастроэктомия натижалари» мавзусида номзодлик диссертацияси устида илмий-тадқиқот ишларини олиб бормоқда. 2004-2007 йилларда Минск (Беларусь), Сан-Пауло (Бразилия), Санкт-Петербург (Россия) ва Лугано (Швейцария) шаҳарларида бўлиб ўтган халқаро илмий анжуманларда иштирок этган.

### ҚОДИРОВ Амир Омонуллаевич

*(Ахборотлаштириш технологиялари ва бошқарув йўналиши бўйича)*



1980 йилда Тошкент шаҳрида туғилган. Тошкент Давлат техника университетининг «Техник тизимларда бошқарув» ихтисослиги бўйича аспиранти. 2003 йилда Ўзбекистон Миллий университети магистратурасини имтиёзли диплом билан тамомлаган. «Тармоқ технологиялари базасида тизимни бошқариш ва мураккаб тузилмали объектларни тадқиқ этишнинг алгоритм ва моделларини ишлаб чиқиш» мавзусида номзодлик диссертацияси устида илмий-тадқиқот ишларини олиб бормоқда. 2004-2006 йиллар давомида Франциянинг Париж университети магистратурасида таҳсил олган.

Спорт ● Sport ● Спорт ● Sport ● Спорт

## ФЕДЕРАЦИЯЛАР СОНИ 102 ТАГА ЕТДИ

***Пойтахтимиздаги Миллий матбуот марказида уюштирилган анжуман Кураш халқаро ассоциациясининг 2007 йил якунлари ва 2008 йил тақвим режасига бағишланди.***

***Унда Бутунжаҳон курашни ривожлантириш жамғармаси раиси Ҳабибулла Тожиев оммавий ахборот воситалари вакилларига йил давомида қилинган ишлар тўғрисида ахборот берди.***



Таъкидланганидек, якунига етган йил КХА фаолиятида муҳим босқич бўлиб, тарих саҳифаларидан жой олди. Мўғулистон пойтахти Улан-Баторда жаҳон чемпионати, қитъа чемпионатлари, халқаро мусобақалар зўр муваффақият билан уюштирилди. Айниқса, Греция ва Буюк Британияда анъанавий ўтказиладиган Юртбошимиз, КХА фахрий президенти Ислом Каримов турнирлари курашнинг дунёда оммалашувида муҳим омил бўлиб хизмат қилмоқда. Шуни қувонч билан айтиш мумкинки, йил якунига келиб Кураш халқаро ассоциациясига аъзо давлатлар сони 102 тага етди. Шунингдек, анжуманда йил воқеаси, энг яхши чемпионати, энг яхши курашчиси, энг яхши ҳакамми, энг яхши федерацияси, энг яхши конфедерацияси каби кўплаб номинациялар ғолиблари тўғрисида ҳам маълумотлар берилди.

*Лангарчўпда сакраш бўйича 20 марта жаҳон рекордини ўрнатган россиялик Елена Исинбоева номзоди тўртинчи бор "Laureus World Sports Awards" мукофотига тақдим этилди. Бу мукофот "Спорт йўналишидаги Оскар" деб ҳам номланади.*

## Исинбоева "Оскар"га даъвогар

*Е. Исинбоева нуфузли мукофотнинг амалдаги соҳиби ҳисобланади. "2007 йилнинг энг яхши спортчиси" номинациясига Еленадан ташқари, теннисчи Жюстин Энен (Бельгия), енгил атлетикачи Каролина Клюфт (Швеция), сузувчи Либби Лентон (Австралия), футболчи Марта (Бразилия) ва гольфчи Лорена Очоа (Мексика)ларнинг ҳам номзоди қўйилган.*

## Ёш футболчиларимиз муваффақияти

Қатарда 19 ёшгача бўлган футболчилар ўртасида ўтказилаётган халқаро турнирда гуруҳ босқич ўйинлари ниҳоясига етди.

Мусобақанинг "А" гуруҳидан жой олган Ўзбекистон ёшлар терма жамоаси сўнгги учинчи турда кипрлик тенгдошларига қарши майдонга тушди. Учрашув Аҳмад Убайдуллаев шогирдларининг устунлигида ўтди. Якунда 3:0 ҳисобида зафар қучган йигитларимиз гуруҳда биринчи ўринни эгаллаб, кейинги босқичга йўлланмани қўлга киритишди.

**Гуруҳдаги якуний вазият қуйидагича кўриниш олган:**

| | Ў | Ю | Д | М | Т-Н | О |
|---|---|---|---|---|---|---|
| **Ўзбекистон** | **3** | **2** | **0** | **1** | **5-3** | 6 |
| Хитой | 3 | 1 | 2 | 0 | 3-1 | 5 |
| Кипр | 3 | 1 | 1 | 1 | 4-6 | 4 |
| Қатар | 3 | 0 | 1 | 2 | 3-5 | 1 |

**З. ЖОНИБЕКОВ.**

Спорт ● Sport ● Спорт ● Sport ● Спорт

## Кўргазма

***Ўзбекистон Миллий банки Тасвирий санъат галереясида ёш рассом Камолжон Бобоевнинг «Қуёшли замин» номли ижодий кўргазмаси очилди. Унда ижодкорнинг рангтасвир ва фото асарлари намойиш этилмоқда.***

## «Қуёшли замин»

«Icons» — мусаввир кўргазманинг рангтасвир йўналишини шундай номлади. Боиси, модерн услубида яратилган бу турдаги асарларда инсон ва борлиқнинг бир бутунлиги тасвирланади. «Хотиржам юлдуз», «Ватан», «Лабиҳовуз», «Эски жува» сингари асарларидаги бадиий шаклларнинг ноанъанавийлиги ва мураккаб композицион ечимлари кишини мушоҳада қилишга ундайди.

«Foto icons» экспозициясидаги асарларида реалистик тасвир устувор. Улар бир нечта матолардан иборат фото коллажлардир. «Митрофановдаги кун», «Осмонли маҳалла», «Узум терувчи қиз» каби асарларда Ватанимизнинг гўзал гўшалари ҳамда халқимизнинг буюк бунёдкорлик фазилатлари намоён бўлади.

**Дилмурод СОДИҚОВ.**


## «РЕСПУБЛИКА КЎЧМАС МУЛК БИРЖАСИ» ЁАЖ

**бошланғич баҳоси ошиб бориш тартибида бўлиб ўтадиган**

**очиқ аукцион савдосига таклиф этади!**

Савдога Тошкент вилояти Хўжалик судининг 2007 йил 5 июндаги 11-0706/3497-сонли ҳал қилув қарори билан банкрот деб эътироф этилган ҳамда кредиторларнинг 2008 йил 8 январдаги йиғилиши қарорига асосан «Автомобиль таъмирлаш» МЧЖ тугатиш бошқарувчиси томонидан Тошкент вилояти, Ангрен шаҳри, Навоий кўчаси, 3-уйда жойлашган «Автомобиль таъмирлаш» МЧЖнинг мулкий мажмуаси қўйилмоқда.

*Бошланғич баҳоси — 3,8 млрд. (уч миллиард саккиз юз миллион) сўм.*

Аукцион савдоси 2008 йил 26 февраль куни соат 11.00 да бўлиб ўтади. Мулкий мажмуа 26 февраль куни сотилмаган тақдирда, аукцион савдоси 29 февраль куни давом эттирилади.

Аукцион савдоларида иштирок этиш учун талабгорлардан ариза ва бошқа тегишли ҳужжатларни қабул қилиш аукцион савдоси ўтказилишидан бир кун олдин тўхтатилади.

Савдоларда қатнашиш учун талабгорлар мулк бошланғич баҳосининг 10 фоиздан кам бўлмаган миқдорда закалат пулини РКМБнинг АТИБ «Ипотекабанк» Собир Раҳимов филиалига, МФО 00901, ИНН 200933850, ҳ/р 20210000500571452105 тўлашлари шарт.

**Манзил: Тошкент шаҳри, Собир Раҳимов тумани, М. Ўрозбоев кўчаси, 1-«А» уй. Телефон: 228-79-52. www.rkmb.uz**

**Гувоҳнома DB 001 № 000004.**

## ООО "Chirchiq GTS"

Услуги лицензированы

реализует **СЖИЖЕННЫЙ ГАЗ** в баллонах

в неограниченном количестве.

Отпуск производится ежедневно, кроме субботы, воскресенья.

Также предприятие производит КАПИТАЛЬНЫЙ РЕМОНТ АВТОМОБИЛЬНЫХ И БЫТОВЫХ ГАЗОВЫХ БАЛЛОНОВ.

**Цены — договорные.**

Форма оплаты — любая.

**Контактные телефоны: 8-(37071) 3-06-79, 3-05-41 с 8.00 до 17.00.**

## 2008 йил — Ёшлар йили

Ёш тадбиркорлар диққатига!

MIKROKREDITBANK

## «МИКРОКРЕДИТБАНК» АКЦИЯДОРЛИК-ТИЖОРАТ БАНКИ



«Ёш тадбиркорлар томонидан тақдим этилган энг яхши лойиҳа» кўрик-танловини эълон қилади.

Тадбиркорлик субъектлари томонидан кўрик-танловга тадбиркорликнинг барча йўналишлари (ишлаб чиқариш, савдо ва умумий овқатланиш, хизмат кўрсатиш ва сервис, тиббий хизмат кўрсатиш, спорт ва соғломлаштириш, транспорт, алоқа ва телекоммуникация, маиший хизмат) бўйича тақдим этиладиган лойиҳалар «Микрокредитбанк»нинг жойлардаги барча филиаллари томонидан жорий йилнинг 1 апрелига қадар қабул қилинади.

**Шошилинг! Банкнинг имтиёзли сармояларидан фойдаланиб, оилангиз учун доимий даромад манбалари яратиш имкониятини қўлдан бой берманг!**

Кўрик-танлов ғолиблари «Микрокредитбанк» акциядорлик-тижорат банкининг қимматбаҳо совғалари билан тақдирланадилар.

**Мурожаат учун телефонлар: 173-04-40, 173-28-11.**

«Микрокредитбанк» сармоялари — тадбиркорлик, бунёдкорлик ва тараққиёт хизматида!

*Ташкилий қўмита.*

## РЕСПУБЛИКА КЎЧМАС МУЛК БИРЖАСИ ХОРАЗМ ВИЛОЯТИ ФИЛИАЛИ

**2008 йил 19 февраль куни соат 11.00 да Хоразм вилояти, Урганч шаҳри, РКМБ Хоразм вилояти филиали биносининг савдолар залида бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига қуйидагиларни қўяди:**

* Урганч тумани суд ижрочилари бўлими томонидан жиноят ишлари бўйича Тошкент шаҳар судининг 2007 йил 20 августдаги 1/415/2007-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Урганч тумани Ғойибу қишлоғида жойлашган, автомобилларга ёнилғи қуйиш шохобчаси.
  *Бошланғич баҳоси — 65 139 800 сўм.*
* 2008 йил 5 февраль куни Хоразм вилояти хўжалик судининг 2007 йил 8 январдаги 22.06.06-5802-н-сонли ижро варақасига асосан, Урганч шаҳар суд ижрочилари бўлими томонидан хатланган, Урганч шаҳри, Машъал кўчасида жойлашган, «Бахт» меҳмонхонаси ёнидаги қишки тўйхона биноси ва унга ёндош иншоотлар.
  *Бошланғич баҳоси — 175 448 000 сўм.*
* Урганч шаҳар суд ижрочилари бўлими томонидан жиноят ишлари бўйича Хоразм вилояти судининг 2007 йил 11 июлдаги 2847/1-сонли ажримига асосан хатланган, Урганч шаҳри, А.Баҳодирхон кўчаси, 104-уй тураржой биноси.
  *Бошланғич баҳоси — 68 836 000 сўм.*

Талабгорлардан аризаларни қабул қилиш савдо бошланишидан 1 кун олдин тўхтатилади. Аукцион савдосида қатнашиш учун харидорлар (юридик ва жисмоний шахслар) объект бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдорида закалат пулини РКМБнинг Хоразм вилояти филиали (савдо ташкилотчиси)нинг қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: АТИБ «Ипотека» банки «Тинчлик» филиали, МФО 00580, ҳ/р 20210000700571452056, ИНН 200933850.

Қўшимча маълумотларни қуйидаги телефон орқали олиш мумкин: 226-32-63. Факс: 226-43-64.

Интернетдаги сайтимиз: www.rkmb.uz Лицензия: DB 001 № 000004.


Тошкент Тиббиёт академияси жамоаси психиатрия ва тиббиёт психологияси кафедрасининг мудири, тиббиёт фанлари доктори, профессор

**Баҳодир Абдураҳимович ТОШМАТОВнинг**

вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзоларига чуқур таъзия изҳор қилади.

---

«Тафаккур» журнали жамоаси Миллий ғоя ва мафкура илмий-амалий маркази раҳбари Муҳаммаджон Қуроновга падари бузруквори

**ҚУРОН отанинг**

вафоти муносабати билан ҳамдардлик билдиради.

---

Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети ректорати ва жамоат ташкилотлари Иқтисодиёт назарияси ва табиий фанлар кафедраси доценти Қобулжон Қодировга синглиси

**Нафиса РАИМОВАнинг**

вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

---

«Маънавият» нашриёти жамоаси Миллий ғоя ва мафкура илмий-амалий маркази раҳбари Муҳаммаджон Қуроновга падари бузруквори

**ҚУРОН отанинг**

вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

---

«Кафолат» Давлат-акциядорлик суғурта компанияси жамоаси Дирекциянинг собиқ бўлим бошлиғи

**Элла Леонидовна АЙВАЗОВАнинг**

вафоти муносабати билан марҳуманинг оила аъзоларига ва яқинларига чуқур таъзия изҳор этади.

---

Тошкент юридик коллежи жамоаси Хорижий тиллар кафедраси мудири Тамара Каримовага онаси

**Анна АБДУЛЛАЕВАнинг**

вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

